

***Фарзандларимиз биздан кўра кучли,
билимли ва албатта бахтли
бўлишлари шарт.***

И. Каримов

Жаннатмакон, файзли, обод диёримизда ўтган даврлар мобайнида барча соҳалар бўйича иншоатлар, ривожланишлар амалга оширилди. Бунёдкор, яратувчан, ижодкор ҳалқимиз учун имкониятлар эшиги очилди. Қилинаётган барча сай-ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлади. Ёшларимиз фан ва таълим, касб ҳунар, спорт ва бошқа соҳаларда юқори чўққиларни забт этиб, шохсупадан муносиб жой олиб, медаллар шодасини қўлга киритиб, ватанимиз довуғини дунёга ёймоқда. Ютуқларимиз биз танлаган йўлнинг нақадар тўғри эканлигини исботламоқда.

Республикамызда амалга оширилаётган таълимий ва маърифий ўзгаришлар инсон омилига катта талаблар қўйяпти. Жамиятимиз истиқболини таъминлаш, қудратли буюк давлат қуриш, бугунги кунда тайёрланаётган мутахассисларнинг малакаси, маънавий салоҳияти, иқтидори, қобилияти, янгиликка, янги технологияларга бўлган муносабати, билим, малака ва кўникмаларини эгаллаш даражаси билан бевосита боғлиқ. Таълим тизими ҳар бир шахсдан ўз-ўзига қатъий аниқ мақсадлар қўйган ҳолда ўз истеъдоди, қобилияти, иқтидори, шахсий хусусиятлари ва имкониятларни тўла англаган ҳолда уни шакллантириш, ривожлантириш, ундан имкон борича тўла – тўқис фойдаланиш талабини қўйяпти.

Ҳозирги кунда мустақил фикрлай оладиган, ўз қарашларига эга бўлган, ҳамда зарур пайтда уни ҳимоя қила оладиган ва энг муҳими ўз билимларини жамлаб зарур пайтларда улардан фойдалана оладиган ижодий тафаккур соҳибини шакллантириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Юртимиз буюк инсонлар маскани. Жаҳон илм-фани, маданиятига қўшган бебаҳо ҳисса қўшган буюк аجدодларнинг муносиб ворислари ҳисобланган ёшларни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар, менталитемизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ҳамда умуминсоний кадриятга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш таълим муассасалари билан биргаликда кенг жамоатчиликнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда компьютер ҳаётимизнинг барча соҳаларига кириб келди. Унинг имкониятлари кенг бўлиб, компьютерда ишлашни билмайдиган ходимни яхши мутахассис дейиш қийин. Компьютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳолларда инсоннинг юқори савиясини белгилаб берадиган омилга айланиб бормоқда. Янги аср ахборот технологиялари асридир. Ўқувчиларни компьютердан фойдаланишларини чеклаб бўлмайди, лекин ҳар бир нарсанинг қоидалари ва меъёрлари бўлганидек компьютердан ҳам ўз ўрнида оқилона фойдаланиш керак.

Бу борада биз ҳарбий юридик йўналишидаги Урганч академик лицейи информатика фани ўқитувчилари “Ёшлар ва интернет, ижтимоий тармоқларнинг зарарли оқибатлари” мавзусида давра суҳбати ўтказдик. Унда

интернетнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, фойдали ва салбий томонлари ҳақида кенг ва атрофлича фикр юритилди. Лавҳалар намойиш қилинди, ҳаётий мисоллар келтирилди, дунёда ижтимоий тармоқлар орқали келиб чиқаётган мажоралар ҳақида мисоллар келтирилди. Сухбат баҳс-мунозара, савол жавоб тарзида қизиқарли ва қизғин ўтди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барчага саволларга жавоб олишди.

Бунинг учун ҳар бир дарснинг бошланиш қисмида ўқувчиларни кун хабарлар яъни мамлакатимиздаги ва дунёдаги воқеа ва янгиликлардан хабардор қилиш, фанга оид янгиликлар билан таништириш, интернет ва ундан фойдаланиш, интернетнинг фойдали ва хавfli томонлари ҳақида тушунтириб ўтиш керак.

*Ҳарбий юридик йўналишидаги
Урганч академик лицейи
информатика фани ўқитувчи
Ибадуллаев Абдулла*